

РЎЙХАТГА ОЛИНГАН  
Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки томонидан  
2020 йил «16» ноябрь  
6911 -сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Раисининг  
биринчи ўринбосари



Б.Э. Захидов

**“КАПИТАЛБАНК”  
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ  
УСТАВИ  
(ЯНГИ ТАХРИРИ)ГА  
ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

“Капиталбанк” акциядорлик тижорат банки  
Акциядорларининг 2020 йил 30 сентябрдаги  
йиллик умумий йиғилиши томонидан  
**“ТАСДИҚЛАНГАН”**  
(2/2020-сонли баённома)

Йиғилиш раиси

М.А. Абдусаматов



Тошкент-2020

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан “Капиталбанк” акциядорлик тижорат банки Устави янги таҳририга қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди:

1. 22-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Банк томонидан эълон қилинган акцияларни жойлаштириш номинал қийматдан паст бўлмаган нархда жойлаштирилади. **Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан, акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи Банк кузатув кенгаши томонидан қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бунда жойлаштириш нархи уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланган нархдан кам (паст) бўлмаслиги керак».**

2. 33.1-кичик банднинг тўққизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«қонун ҳужжатларда белгиланган тартибда, банкдан унга тегишли бўлган акцияларни ҳаммаси ёки бир қисмини сотиб олишни талаб қилиш ёки уни рад қилиш. Бунда банк томонидан унга тегишли бўлган акцияларни ҳаммаси ёки бир қисмини сотиб олиш ёки уни рад қилиш, ушбу акциялар эмиссияси проспектида кўрсатилган тартибда амалга оширилади, амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно»;

3. 38-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«38. Банк акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

Дивидендлар банк тасарруфида қоладиган соф фойдадан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Агарда банк етарли даромадга эга бўлмаса ёки зарарга ишлаётган бўлса, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар банкнинг заҳира фонди ёки Банкнинг бунинг учун махсус мўлжалланган фондлари ҳисобидан тўланиши мумкин.

Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

Дивидендларни тўлаш чоғида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича дивидентлар тўланади.

**Ҳар бир имтиёзли акция бўйича йиллик дивиденд миқдори 836 (саккиз юз ўттиз олти) сўмни ташкил қилади. Имтиёзли акциялар бўйича эълон қилинган, бироқ, мазкур Уставда белгиланган миқдорда тўланмаган ёки тўлиқ тўланмай қолган дивидендлар жамғариб борилади ва кейинчалик тўланади».**

4. 63.11-кичик банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«63.11. Банк кузатув кенгаши ҳузурида махсус қўмиталар ва таркибий бўлинмаларни ташкил қилиш, шунингдек, ушбу қўмиталар таркибини ва уларнинг фаолиятини тартибга солувчи низомларни тасдиқлаш ҳамда Банк кузатув кенгаши ҳузуридаги таркибий бўлинмаларнинг ходимлари, Банк корпоратив маслаҳатчисини лавозимига тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш, уларнинг фаолиятини тартибга солувчи низомларни тасдиқлаш, шунингдек, уларнинг ҳисоботлариини тинглаш»;

5. 63.20-кичик банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«63.20. Банк билан алоқадор бўлган ёки аффилиланган шахслар билан битим тузишга рухсат бериш, бундай битим тузиш тўғрисидаги қарор қонун ҳужжатлари ва ушбу Уставга мувофиқ Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган ҳоллар бундан мустасно. Бунда банкнинг аффилиланган шахси билан активларининг қиймати банк соф активлари қийматининг ўн ёки ундан кўп фоизини ташкил этадиган битим тузиш тўғрисидаги қарор мол-мулкнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташқи



аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади»;

6. 64-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Банк кузатув кенгаши аъзолари банкнинг оқилона Корпоратив бошқарувига кўмаклашиши ҳамда ўз ваколатларини ва мажбуриятларини бажариш чоғида банкнинг, унинг омонатчилари ва акциядорларининг қонуний манфаатларини инобатга олиши, Марказий банк билан самарали ҳамкорликни таъминлаши, шунингдек, виждонан ва банк манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилишлари ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари, мазкур Устав, «Банк кузатув кенгаши тўғрисида»ги Низом ва банкнинг бошқа ички ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажаришлари лозим».

7. 67-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«67. Банк кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Банк кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларида баённома юритилишини ташкил этади ҳамда Акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади, банк номидан Банк бошқаруви раисини ёллаш тўғрисидаги меҳнат шартномасини тузади, шунингдек, Банк кузатув кенгаши фаолиятини бошқариш ва самарадорлигини таъминлаш ҳамда Кузатув кенгаши аъзолари ўртасидаги ишончли муносабатларни шакллантириш учун жавобгар»;

8. 73-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Банк Бошқаруви аъзолари банк манфаатлари йўлида виждонан ва оқилона ҳаракат қилишлари ҳамда амалдаги қонунчилик, мазкур Устав, ва банкнинг бошқа ички ҳужжатларида назарда тутилган мажбуриятларни бажаришлари лозим».

9. 75-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«75. Банк бошқаруви раиси Кузатув кенгаши қарорига асосан лавозимига тайинланади ҳамда банк фаолиятини бошқариш ва банк ходимлари устидан назоратни амалга ошириш учун зарур билим, малака ва яхши хулқ-атворга эга бўлиши керак».

Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг рўйхатга олиш тўғрисидаги тегишли қарорига асосан рўйхатга олувчи ваколатли орган томонидан давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб кучга киради.